



Халқ сўзи

Ўзбекистон
—
кељаги
бўёк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 20 январь, № 13 (3812) • Жума



Янги йил ара-
фасида Қарши
шаҳрида яна бир
ўқув маскани —
ахборот техноло-
гиялари коллежи
биноси фойдала-
нишга топширил-
ди. Уни Қашқа-
дарё ишлаб чиқа-
риш-қурилиш-
монтаж бошқар-
маси бунёдкорла-
ри барпо этишди.

ШАҲАР ЧИРОЙИГА ЧИРОЙ ҚЎШДИ

Жуда кўрам, мухташам, шаҳар чиройига чирой қўшган ана шу қутлуғ даргоҳ ёшларга компьютер технологияси бўйича билим беради.
Муҳими, бу ерда барча қулайликлар бор. Шинам, ёруғ ва кенг хоналарнинг ҳар бири замонавий ўқув жиҳозларига эга.
540 нафар ўқувчига мўлжалланган ушбу билим масканида ўндан ортиқ миллат вакиллари таълим-тарбия олишмоқда.

СУРАТЛАРДА: Қарши ахборот технологиялари коллежи биносининг кўриниши; бир гуруҳ талабалар.

Шомурод ШАРОПОВ (Ў.А) олган суратлар.



МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида “Миллий истиқлол ғояси — маънавий юксалиш ва тараққиёт омили” мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда мазкур академиянинг тингловчилари, олий ва ўрта махсус, халқ таълими вазирилик вазириликларига қўрилган иштирок этиди.

Академия ректори Қ.Назаров жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатнинг модернизация ва ислоҳ этиш жараёни ҳаётимизнинг маърифий-маънавий соҳаларидаги ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда кечаётганини, юрт тинчлиги, Ватан раванга, халқ фаровонлигига эришишда миллий истиқлол ғояси асосий таянч бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан 2001 йил 18 январда қабул қилинган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиб ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисидаги Фармойиш бу борадаги ишларда муҳим дастурий-амал бўлаётди.

Утган давр мубайнида “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани юртимиз таълим тизимининг таркибий қисмига айланди. Бу йўналишда бир қанча ўқув адабиётлари, дарслик ва қўланмалар, услубий ва кўргазмалар ишланган, китоб ва рисолалар яратилди.
Анжуманда “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича яратилаётган дарсликлари давр талаби даражасига кўтариш, ўқитувчиларни замонавий билим ва ғоялар билан қўрлантириш, таълим-тарбия жараёнида илгор педагогик технологиялар ва услублардан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.
Назозат УСМОНОВА,
Ў.А мухбири.

Ўтқир тиф остида

Мамлакатимизда замонавий ўрта махсус касб-хунар таълими тизимини шакллантириш, ўқув муассасаларини энг юқори андозаларга монанд бўлган техника, асбоб-ускуналар, ўқув-ишлаб чиқариш ва лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, уларга малакали педагоглари жалб қилиш мақсадида Давлат бюджети ва хорижий кредитлар линиялари ҳисобидан катта миқдордаги маблағлар йўналтирилмоқда. Лекин, шуни таъссадф билан айтиш лозимки, ҳукуматимизнинг ана шу молиявий гамҳўрлигини ўзи учун «қулай фурсат» деб баҳолаётган, тўғрисида, нафс балосига ураган бюджет муассасаларининг ходимлари ҳамон учраб турибди. Молия вазириликнинг назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан амалга оширилаётган тафтиш ва текшириш натижалари улар давлат маблағларидан фойдаланиш жараёнида гайриқонуний ҳаракатларга йўл қўётганларини кўрсатмоқда.

Масалан, Хоразм вилояти Урганч туманидаги қурилиш касб-хунар коллежининг бош ҳисобчиси З. Қазоқов ва кассир Р. Қандаров иш ҳақи ведомостларидаги директор ва ишчи-хизматчиларнинг имзоларини қалбақлаштириб, жами 17,9 миллион сўм миқдордаги нақд пулни мўмайгина шахсий даромадга айлантирган бўлсалар, шу тумандаги «Пахтакор» касб-хунар коллежида сохта ведомостлар тузиш йўли билан 8,8 миллион сўм, Шовот туманидаги қурилиш касб-хунар коллежида эса 3,6 миллион сўм «масул» ходимлар томонидан ўзлаштириб юборилган.
Фарғона вилоятидаги саноат касб-хунар коллежи директори Ж. Абдуллаев, бош ҳисобчи М. Юнусов ва

Илгор технология — айни мурддо

Балиқчи туманидаги «Балиқчипекс» Ўзбекистон-Германия-Швейцария қўшма корхонасида ўтган йилнинг ўзида 4,3 миллион АҚШ доллари миқдорда энг замонавий, илгор технологиялар келтирилди. Натижада йилга қўшимча икки миң тонна калава ип ишлаб чиқариш йўлига қўйилди.
Шу тумандаги яна бир турдош корхона — «Алишер Навоий Интернет» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида эса умумий қиймати 9 миллион 800 миң доллар миқдордаги инвестиция лойиҳаси нихоясига етказилаётди. Бунга кўра, йилга 4,2 миң тонна калава

14,7 миллион сўмлик бюджет маблағлари нафис ҳақалак отган кимсалар томонидан хомталаш қилинган ачинаридир. Жумладан, номи қайд этилган спорт коллежи собиқ хазиначиси Г. Қурбонова коллежининг собиқ директори Ф. Асроров, директор вазирасини ба-

мансаб ваколатларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, оила аъзолари ва қариндощ-уруғларини турли лавозимларга тайинлаш ҳолда, ишламаган шахсларга хужжатларни қалбақлаштириш ва қўшиб ёзиш орқали иш ҳақи ҳисобидан нақд пул маблағларини ўзлаштириш билан

732,7 миң сўм, бош ҳисобчи Н. Мансуров 1336,5 миң сўм, коллежининг бошқа мансабдор шахслари эса 179,6 миң сўм нақд пулни қўлга киритишган. Бундан ташқари, коллеж директори Г. Хошимов бюджет маблағлари ҳисобидан «хотамтойлик» қилиб, қизи З. Хошимовнинг контракт тўлови учун Тошкент давлат техника университетига 417,8 миң сўм ўтказиб берган. У, шунингдек, Китоб шаҳридаги «Раҳматилло Жамшид» ва «Алихон» хусусий фирмаларидан олинган жами 1500,0 миң сўмлик моддий қийматликларни коллеж ҳисобига кириш қилмасдан, ўзлаштириб юборган.

Бундай ачинари ҳолатини Фўзор қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежида ҳам кузатиш мумкин. Бу ерда масул ходимлар томонидан 1400,0 миң сўм бюджет маблағи Қўқон шаҳридаги «Ал-БАЙ ВОЗИТ» хусусий корхонасига ўтказилиб, «Бунга эҳтиёт қилмас олинди» дея қалбақи хужжатлар расмийлаштирилган ҳолда, «шахсий даромад»га айлантирилган.

Ана шу ҳолатлар бўйича барча текшириш материаллари, табиийки, ҳуқуқчи мухофазаси қилиш идораларида қўрилди. Ҳозирда айбдорларга нисбатан тегишли чоралар қўрилмоқда.
Уйлаимизки, бу ўрта махсус касб-хунар таълими тизимдаги ханузгача давлат маблағи билан шахсий чўнтагини адаштириб юборадиган «масъулиятсиз масъул» ходимлар учун аччиқ сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик Матбуот хизмати.

«МАСЪУЛИЯТСИЗ МАСЪУЛ» ХОДИМЛАР

жаруғчи Т. Рустамов, кейинги директор М. Абдуваҳодов ҳамда бош ҳисобчи А. Абдуллаевнинг топшириқларига кўра, банкдан иш ҳақи ва сафар харажатлари учун олинган нақд пуллар учун ой якунида сохта касса чиқим хужжатларини расмийлаштириб, ана шу «уддабурон» жаноьлар билан бирга салкам 15,0 миллион сўмини ўзлаштириб юборгани қайси қушоқчона сиғари? Эки бўлмаса, Жиззах вилоятидаги уй-жой-коммунал хўжалик касб-хунар коллежи хазиначиси Х. Имомов «Ипотека» банкидан олинган 3,3 миллион сўм нақд пулни коллеж хазинасига кириш қилмасдан, ҳам қилиб юборгани қандай баҳолаш мумкин?
Энди «Авал хеш, кейин дарвеш» қабилида иш юритган айрим мутасадди раҳбар ва мансабдор ходимларнинг мана бу қинғирликларига қаранг. Улар

шўғулланиб келганлар. Оқибатда ходимларга иш ҳақи тўланмасдан қолаверган.

Хусусан, Сирдарё вилояти ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармасига қарашли Мирзаобод ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежининг директори У. Бўронов, бош ҳисобчиси Б. Раҳмонкулов, хазиначиси М. Ибрагимов ва хўжалик ишлари бўйича директори ўринбосари А. Пармонов 2003-2005 йиллар давомида ўзларининг яқин қариндошлари (турмуш ўртоғи, ўғли, келинлари ва ҳоказоларини) турли лавозимларга тайинлаб, хужжатларни қалбақлаштириш йўли билан 2,5 миллион сўмлик давлат маблағларини «ғумдон» этишга уялмаганлар.

Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида эса айнан шу усулда директор Г. Хошимов



Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қасми бўлган

Бевосита муроқот СИЗНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ ЭШИТАДИ

Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қасми бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қасми бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қасми бўлган

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Туробжон ЖўРАЕВ жавоб беради.

Бевосита муроқот шу йил 31 январь қўни соат 10.00 дан 12.00 гача 139-17-35, 136-36-36 телефонлари орқали ўтказилади.

Вазирга бермоқчи бўлган саволларингизни олдиндан тахририятнинг 132-12-08 телефонига ёки 136-37-85 факсига, шунингдек, info@xs.uz электрон почта манзилига юборишингиз мумкин.

Ёши улуглар яхши эслашади. Бундан ўн беш-ийгирма йиллар аввалида шаҳар жамоат транспорт ҳақида гап кетганда, одамнинг юраги зада бўларди. Зеро, ўша даврда манзилга етиш учун транспортта иллинининг ўзи катта бир муаммо эди. Шундан бўлса керак, «Муштум» сатирик журналининг бирор-бир сони транспортга осилиб кетаётган одамлар акс этган карикатура суратларисиз чоп этилмас, бироқ «халва деган билан оғиз чучимас»-ди. Шахсан ўзим бекатда гўж-гўж бўлиб турган асабий йўловчиларнинг бир-бирларига қарата: «Одамлар автобусни эмас, автобус одамларни кутадиган даврга ҳам етармиканми?» дея орзулашганига кўп бор гувоҳ бўлганман. Не бахтки, ҳозирда ўша орзулар ижобат бўлапти.

Пойтахт транспорти: хизмат кўрсатиш янада яхшиланади

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда давлатимиз раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган гамҳўрлик ва эътибор туфайли пойтахт транспорт-коммуникация тармоғи тубдан модернизация қилинди. Йўловчи ташиш транспортлар таркиби замонавийлари билан бойитилиши натижасида йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати сезиларли даражада ошди. Шу билан бирга, мамлакатимиз Президентининг соҳани ривожлантиришга қаратилган бир қатор Фармон ва қарорлари қабул қилиниши ва уларнинг ижросини таъминлаш бораборида пойтахт йўловчи ташиш тизимини янада такомиллаштиришда ўз наватидида Олий Мажлис томонидан «Шаҳар йўловчилар транспортдан беғул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги ҳамда «Шаҳар йўловчилар транспорт тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши ҳам соҳа ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Мисол учун, ана шу хужжатларнинг ижроси туфайли автобус парклари янгилади, уларга замонавий сервис хизмати кўрсатиш тармоғи шаклланди. Муҳими, йўловчилар ташиш маданияти юксалиб, улар хавфсизлигини таъминлаш чоралари кучайтирилди.

Фармонни ўқиб



Маълумотларга қараганда, ҳозирда пойтахтнинг транспорт ҳаракат тизимларида бир кунда ўртача 15738 та турли русумдаги автотранспорт, 1115 та трамвай, 1238 та троллейбус ва метро йўналишлари орқали 1,8 млн. йўловчига хизмат кўрсатиляпти. Айни чоғда, 1711 нафар хусусий транспорт ташувчилар эғаси ҳам 168 та йўналишда аҳолининг манзилини яқин қилмоқда.
Бир қараганда, рақамлар салмоқлидек. Бироқ кейинги пайтахт жамоат транспорт тизимиде аҳолига хизмат кўрсатиш борасида бозор механизмларини жорий этиш суқ кечаётгани ҳам бор гап. Шунингдек, йўловчи ташиш таннархини пасайтириш, йўналишларда ҳаракат жадалларига риоя этишни ҳам кўнгилдагидек, деб бўлмайдми. Айниқса, айрим хайдовчилар ва чиптачиларнинг қўполлиги аҳолининг ҳақи эътирозларига сабаб бўлмоқда. Ачинарлиси, бозор иқтисодиёти шароитида рақобатсиз тарраққий йўқлигини тармоқ мутасаддилари теран ағлаб етмаляптилар.

Яқинда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони эса пойтахтнинг аҳолиси ва меҳмонларига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, турли мулкчилик шаклидаги йўловчи ташувчилар ўртасида рақобат муҳитини яратиш, аҳолига манунали хизмат кўрсатиш, йўловчи ташишлар бўйича буюртмачи ва пудратчи вазифаларини аниқ белгилаш, шунингдек, транспорт ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш имкониятини яратиши.

Ушбу Фармонга кўра, «Тошхажарйўловчигранс» акциядорлик компанияси неғизда «Тошхажартрансхизмат» уюмаси ташкил этилиб, у ўз таркибига пойтахт йўловчи транспорт тизимиде фаолият юритаётган барча мулк шаклидаги хўжалик субъектларини бирлаштириши бўйича ҳаракатини йўлга қўйди. Бу ўз наватиде йўловчилар эҳтиёжини тўла қондириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўналишларда бир маромада ва ишончли қатновни назорат қилиш, транспорт воситаларининг сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланиш устидан мониторинг олиб бориш имконини беради. Шу билан бирга, барча йўловчи ташувчиларга шартнома асосида хизмат кўрсатиш ва йўл ҳақи тарифларини шакллантиришда иштирок этиш ҳам уюшманинг асосий вазифалари сирасига қиради.
Бундан ташқари, Фармонга мувофиқ, Ишчи комиссия ҳам ташкил этилади, унинг зиммасига «Тошхажартрансхизмат» уюмаси таркибидеги автобус парklarининг давлат шартномасидаги мулк сифатида сотиш механизминини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.
Мазкур хужжатнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Тошкент шаҳар ҳокимилик қўшма қўмитасидаги Транспортнинг барча турларини мувофиқлаштириш маркази эндиликда пойтахт ҳокимлигининг таркибий бўлимини сифатида йўловчи транспортнинг барча турлари харақатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментига айлантирилди.
Транспорт харақатини мувофиқлаштириш, йўналишлар тартибга солиш ва мақбул ҳолатга келтириш, шаҳарда йўловчи ташиш бўйича буюртмачи вазифасини бажариш, шунингдек, лицензия бериш ҳуқуқини сақлаш ҳолда йўловчи ташиш йўналишларини қатъий тендер асосида белгилаш унинг асосий вазифаларидир.
Бундан ташқари, ушам тасарруфидеги корхоналар ва хусусий йўловчи ташувчилар ўртасида тенг рақобат муҳитини яратиш, унинг самарадорлигини баҳолаш, шаҳар транспортда йўл ҳақи тарифларини белгилаш юзасидан молия идоралари билан келишилган ҳолда тендер шартномасига тақлифлар кириштириш ва уларни риоя этилиши устидан доимий назорат қилиб бориш ҳам департаментнинг фаолият доирасига қиради.
Сир эмас, кейинги пайтахт давр айрим хайдовчи ва паттачилар томонидан тушум пуллари ўзлаштирилаётгани хусусида бот-бот гапирилмоқда. Табиийки, умарилган пуллар хизмат кўрсатиш таннархининг ошишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун бундан буён ерусти йўловчи транспортда йўлқира тўлаш ҳисоб-китобини автоматлаштириш ва уни назорат қилиш ҳам департамент зиммасига юкнади.
Бир сўз билан айтганда, қабул қилинган фармон пойтахт жамоат транспортда бозор механизмларини жорий этиш жараёнини тезлаштирибгина қолмасдан, балки йўналишларда ишончли харақатлашни ва йўловчи ташиш таннархини қамқайтиришга, энг муҳими, пойтахтликлар ва унинг меҳмонларига манунали транспорт хизмати кўрсатишга асос яратиши.
Сандолиқ ҲАЙДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Мустақиллик йилларида Тошкент, Самарқанд ва Шахрисабзда буюқ соҳибқирон Амир Темур, Фарғона ва Қувада ал-Фарғоний, Андижонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хоразмда Жалолоддин Мангуберди, Самарқанд ҳамда Нукусда Мирзо Улуғбек, Термизда Алпомиш ҳайкаллари тантанали равишда очилди. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, қардақи улугларимиз ўтган бўлса, бу жойларнинг ҳаммаси муқаддас қадамжоларга айланган. Бундай савоб амаллар бевосита Ўртабосимиз ташаббуси ва бошчилигида рўйбга чиқарилмоқда. Бугун юздан ортиқ давлатлар Ер юзиде Ўзбекистон деб аталган буюқ давлат борлигини тан олгани ҳам қувонарли. Япония, Франция, Россия, Латвияда эса халқимиз ўғлонларининг ҳайкаллари қад ростлади. Лекин кўпчилигимиз бу воқеаларга томошабинимиз, бефарқимиз. Ҳукуратимиз, ҳаттоки хорижда қолган алломаларимиз қабрларини обод қилишга бош-қош, биз эса ёнимиздаги қадамжоларга ҳам парво қилмаймиз.

ХОТИРА МАСКАНЛАРИ

Хар гал Тошкентнинг Пушкин кўчаси томон йўлимиз тушганида консерваториянинг эски биноси (ҳозирда мусика коллежи) қаршида жойлашган Мухтор Ашрафий уй-музейини кулф ҳолда кўрамиз. Адашмасак, йил — ўн икки ой шу аҳвол. Беихтиёр ўйлаб қоласан, киши. Аввало, уй-музейлар бизга нима учун керак? Қолаверса, нега ишламайди? Ишласан экан, нима зарурати бор? Ушбу саволлар билан Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг маданият-маърифий ва музей ишлари бошқармасига мурожаат қилдик. Бизга айтишларича, Тошкент шаҳрида 12 та уй-музей бўлиб, улар вазирлик тасарруфиде туради. Виллоялардаги уй-музейлар фаолияти билан шуғулланиш эса жойлардаги ҳокимликлар зиммасига юклатилган.

бонлик билан мулозамат ҳам кўрсатиб туради. Хуллас, ўқиниш, меҳнат-каш, тиниб-тинчимас, юксак тарбия кўрган, дилбар бир аёл. Шу билан бирга, уй-музей директори.

Бундан деярли бир ярим йил аввал фойдаланишга топширилган янги музей биноси салобатли ташки кўриниши билан шоирнинг мағрурона

қулай жойлашганлиги билан ҳам боғлиқ бўлса керак, деб ўйлайман. Бир томони Фафур Фулом майдони, бозор, боғ, касалхона. Бу ерга келганлар, албатта, музейни ҳам четлаб ўтишмайди. Эски музей ишлаб турган пайтда ўн саккиз йилда беш марта экспозицияни янгилашди. Бунда раҳматли аямнинг хизматлари жуда



Боқий қадрият

қийфасига ўшаб кетади. Дизайнер-безакчи ва расомлар хоналарни жиҳозлаш, экспозициялар тузиш ва уларни хоналар рангига уйғунлаштиришдек юмушни ўта назик дид билан бажарганлари ақвол кўзга ташланиб туради. Юқори қаватга олиб чиқадиган лифт, ногиронлар аравачалари учун мўлжалланган махсус йўлакчалар ҳам бор.

— Музейимиз икки қисмдан иборат, — дейди Олмосхон опа. — Биринчи қисмини «Ёдгорлик» деб номлаганмиз. Унда дадам ҳаётидаги турмуш тарзини акс этган бўлиб, ётоқхона, меҳмонхона, болалар ва дам олиш хоналари, ижодхона ва кутубхона жойлашган. Иккинчи — экспозиция қисми 12 та бўлимдан иборат. Ноёб фотосуратлар, хужжатлар, хатлар, китоблар ўзинга хос бир тарих. Келди-кетди кўп. Бу музейимизнинг

катта бўлган. Аям нафақат китоблар, балки дадамнинг қўллари теккан майда-чуйда нарсаларни ҳам авайлаб сақлаган. Еттита сигарет қолдиғи, салқин ичимликлар очадиган очқич шулар жумласидан.

— Онангиз Муҳаррам аямнинг фидойи ва меҳнаткаш аёл эканлигини отангизнинг шеърлари орқали биламиз, — деймиз ўз навбатида. — Янги музейда у кишининг хотиралари акс этганини яхши бўлибди.

Тошкентнинг Ишчилар шаҳарчаси деб номланувчи мавзесиде Ойбек уй-музейи бор. Бу ерда ҳам иш яхши йўлга қўйилган ва доим гавжум бўлади. Турли саналар муносабати билан байрамлар, ойбеқхонлик, шеърхонлик кечалари мунтазам ўтказиб турилади. Республикаимиз виллояларидан таширф буюрган талабалар, ўқувчи музейда Ойбекдек забардаст ёзувчи ижоди ва

ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи қимматли ҳамда қизиқарли маълумотлар, воқеа-ҳодисалар билан танишадилар. Бу борада уларга илмий ходим Гулчехра Шокирова ёрдамлашади.

— Ҳафтанинг беш куниде музейимиз янада гавжум, — дейди у. — Сабаби қатор олий ўқув юртилариде «маънавий кўн» белгиланган. Талабалар шу куниде музейга шошилдилар. Кўплари кунни шу ерда кеч қилишади. Бундан ташқари, олимлар, ёзувчилар, шоирлар ва санъаткорлар ҳам тез-тез таширф буюриб туришади. Хуллас, музейимиздан адабиёт ва санъат шинавандалари қадими сира узилмайди.

— Яна бир тарихий даргоҳ — Абдулла Қаҳҳор уй-музейиде Маданият ва спорт ишлари вазирлиғи ҳомиёлиғиде у йил таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Ҳозирда иккита мемориал хона ишлаб турибди. Вазирлик ўтган йили яна беш миллион сўм маблағ берди. Анчагина ишлар битди. Эски мебеллар таъмирланди, янгилири сотиб олинди. Ижрочи директор Нодирахон Жалолованнинг айтишича, 2007 йилда Абдулла Қаҳҳорнинг 100 йиллик юбилеи нишонланади. Ушбу муносабат билан вазирлик ва Ёзувчилар уюшмаси қатор тадбирларга бошчилик қилмоқда.

Республика Бастакорлар уюшмаси расиси Рустам Абдуллаевнинг таъбирича анчагина жиддий. Ўзбек кўшиқчилиғи ва мусикасининг улкан намояндаси Тамарахоним, Мухтор Ашрафий ва Сулаймон Юдавков уй-музейларига одам жуда кам қиради.

— Бундан нихоятда таъажубдандан, одамларга хайронман, — дейди Рустам ака. — Чет элнинг урйикит киноларига юргурги-

лаб боришади, ўзбекининг ахлоқига тўғри келмайдиган беҳад ленталарни сотатлаб томоша қилишади-ю, ўз халқининг атоқли фарзандлари ҳаёти ва ижоди билан қизиқишмайди. Уй-музейларга пул тўлаб киришса ҳам майлиди. Бепул, текин қилиб қўйганмиз, ахир. Ҳамма айбни уларга ағдаримиз ҳам ноўриндир, балки. Одамларни бир нарсага қизиқтириш, жалб этиш учун тарғибот-ташвиқот кучли бўлиши керак. Маънавий эҳтиёжни пайдо қилиш ва шакллантиришда ҳам шу усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Рустам ака ҳақ. Бизнингча ҳам, уй-музейлар фаолиятини жонлантириш учун ташкилотчилик қобилиятимиз етишмайди, шекилли. Мавзунини ўрганиш жараёнида шунчаки бир сўровнома ўтказдик. Кўпчилик (мутахассислардан ташқари) Мухтор Ашрафий ва Сулаймон Юдавков қимлигини умуман билмайди. Бундан кўринадики, уй-музейлар ва уларнинг эгалари ҳақида маълумотномалар, рисоалар, буклетлар чоп этиш керак-ка ўхшайди. Шунингдек, барча уй-музейлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари сифатида юртимизга таширф буюрадиган чет эллик сайёҳларга таништирилса. Санъат, маданият, миллий дизайн ва расомлик институтлари талабалари уй-музейларда амалиёт ўташса. Фафур Фулом ва Ойбек уй-музейлари иш фаолияти ўрганилиб, таъриби оммалаштирилса. Ишончимиз қомилки, ана шунда уй-музейлар фақат маълум саналарда эмас, балки хар кун эсландиган ҳақиқий илмий-оммавий масканларга айланади.

Уй-музейлар тарихимиз, маънавиятимиз ва маданиятимизнинг тарихий қисми ҳисобланади. Улар бизга аждодларимиз ва отабобларимиз ҳаёти, фаолияти ҳақида ҳикоя сўйлаб турғучи хотира масканидир. Шуни унутмайлик.

Гулчехра Йўлдошева,
“Халқ сўзи” мухбири.

БУ ажиб дунё

Бақалоқлик балоси

Мексиканинг Нуэво-Леон шаҳри фуқароси Мануель Урибенининг вазни бундан икки йил бурун 130 килограмм эди. Кейин у семириш касаллиғига йўлқиди ва вазни бирдан 500 килограммга етди. Ҳозир у уйдан ташқарида чиқа олмай қолган. Урибенининг соғлиғи билан қизиққан врачлар семириш сабабини аниқлаш учун бир неча мурақаб аналлизлар қилиш лозимлигини таъкидлашмоқда.

Семириш касаллиғи фақат Мануель Урибени эмас, кўпчилик мексикаликларни ташвишга солмоқда. Гап шундаки, ҳозирги кунда мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи семизликдан азият чекмоқда. 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларнинг 25 фоизи шундай касалликка чалинган эса яна ҳам ачинарлидир.

Ютық

эгаси ким?

Буюқ Британияда ўтказилган наватдаги миллий лотерея уйини голибига 9,5 миллион фунт стерлинг (16 миллион доллар) ютық чиқди. Уйин қондасига бинаоан, голиб чиққан одам ютықни 180 кун ичида олиши лозим. Ўтган дўшанба кунни ўша муддат тугади. Лекин ҳеч ким ютықни олишга келмади.

Лотерея ташкилотчиларининг гапига қараганда, ютық чиққан лотерея Донкарстер шаҳрида сотилган. Телевидение ва радио орқали голиб бир неча марта тақлиф этилди. Аммо у топилмади. Энди ютық инсонпарварлик фондларидан бирига ўтказилди.

Ўзини ўзи тутиб берди

Берлинлик полициячи Хеган ишдан сўнг дам олиш мақсадида шаҳардаги барлардан бирига кирди. Энди пиво ичмоқчи бўлиб турганда, чўнтағига кимдир қул тикқанини сезиб қолди. У ўйлаб ҳам ўтирмай шартта ўғрини ушлади. Воқеа шунчалик тез содир бўлдики, кассовур хатто қаршилик кўрсатишга ҳам улгурмади. Ўғри полиция участкасига олиб келиб текширилганда, у бир неча жинояти учун қидирувда бўлган албаниялик фуқаро эканлиги аниқланди.

Болакай

машина рулида

АҚШнинг Шелл-бивилл шаҳрида яшовчи етти ёшли болакай отасига тегишли юк машинасини миғиб қочди. У хавфсизлик камарини тақийини ҳам унутмади. Машина катта йўлга чиққач, қўчаннинг у томонидан бу томонига, бу томонидан у томонига ўта бошлади. Буни кўрган полициячилар рулда маст хайдовчи ўтирибди, деган хабарга бориб, уни қувлашга тушди. Полициячилар етти милдан сўнг машинани тўхтатишга муваффақ бўлишганда, кабинадан кичкинагина болакай тушди. У қўли рулга етмагани учун машинани маст кишига ўшаб бошқарган экан.

Спорт

Турин Олимпиадасига ҳозирлик

Яна санокчи қўнлардан сўнг Италиянинг Турин шаҳрида спорт олимпиадаги нуфузли мусобақалардан саналган XX киши Олимпиада уйинлари бошланади. Унда фигурали учин бўйича Марина Аганина ва Артём Князов жуплиғи, тоғ чангиси бўйича эса Қайрат Эрматов юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Ҳозирда Марина ва Артём Россияда ўқув-тайёргарлик машғулотларини ўтказайтган бўлса, Қайрат Чимён тоғ ёнбағирларида мусобақага тайёргарлик кўрмоқда.

Омад юз ўғирди

МДХ чемпионлари кубоги ярим финалчилари номи маълум бўлди. Унда иштирок этаётган мамлакатимиз бош жоноиси “Пахтакор”



чорак финалда Озарбойжон чемпиони “Нефтчи”га қарши майдонга тушди. Тенг курашлар остида ўтган учрашувда ҳисоб очилмади. Пенальтилар баҳсида эса омад “Нефтчи”га кулиб боқди: 4:2. Ярим финалда “Нефтчи” (Боку) — “Пюник”

(Ереван), ЦСКА (Москва) — “Каунас” (Литва) жоноалари ўзаро куч синашадилар.

Руслан Чагаевнинг навбатдаги рақибу

Профессионал боксининг ўта оғир вазнида қатнашайтган ҳаюртимиз Руслан Чагаев яқинда америкалик Роб Кэллоуэига қарши рейтинг жанги ўтказиб, муддатидан олдин зафар кучганлиғи ҳақида хабар берган эдик.

Руслан навбатдаги рейтинг жангини янада кучлироқ боксчи — оғир вазнда собиқ жаҳон чемпиони ҳисобланган кубалик Хуан Карлос Гомесга қарши ўтказадиган бўлди. Бу ҳақда махсус интернет сайти хабар тарқатди. 33 ёшли Хуан Карлос жаҳон рейтингига 12-ўринда туради. Шу кўнгуна 41 та жанг ўтказиб, унинг 40 тасини галаба билан якунлаган. 33 та учрашувда нокаут билан галаба қозонган. Фақат 1 та учрашувда мағлубият алламини татиб кўрган.

З. ЖОНИБЕКОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

Давлат, хусусий ва бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ

2006 йил 20 январдан 20 февралгача куйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш учун ТЕНДЕР ўтказилишини эълон қилади:

1. Офислар учун турли хилдаги мебеллар.
2. Мажлислар зали учун турли хилдаги мебеллар (театр креслолари, минбар ва бошқалар).

2006 йил 20 январдан 20 февралгача куйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш учун ТЕНДЕР ўтказилишини эълон қилади:

- бош кийимлар (табий мўйнали телпақлар, ёвшан (полян) рангли ярим жун газламадан фуража, ёзги тўқ-кўк рангли фуража, тўқ-кўк рангли спорт кепкаси (жокейка);
- тикув буюмлари (ёвшан рангли ярим жун газламадан баҳор-кузги ва киши пальтоллар, китель, куртка ва шимлар, тўқ-кўк рангли ёзги костюмлар, қора ва ёвшан рангли галстуклар);
- тикув-трикотаж буюмлари (қишки ва кузги-қишки ич кийимлар, футболкалар);
- махсус оёқ кийимлари (кўнжисиз хромили ботинкалар, баланд кўнжли ботинкалар, спорт кроссовкалари);
- ёвшан рангли ярим жун газламалар;
- кўкрак ва кўл нишонлари, тилла ранг махсус белгилар, кокардалар, юлдузчалар ва тугмачалар.

2006 йил 20 январдан 20 февралгача куйидаги восита ва хизматларни харид қилиш бўйича ТЕНДЕР эълон қилади:

1. Компьютер техникалари ва ёрдамчи воситалари.
2. 1С V 7.7 бухгалтерия дастури мажмуасини тузиш ва фойдаланиш давомида хизмат кўрсатиш (мажмуада бухгалтерия, омборхона, кадрлар ҳисоби ва иш юритиш).
3. Ўзбекистон Республикасининг геоахборот тизимини тузиш ва унга хизмат кўрсатиш.

Тендер тақлифлари ва намуналарни қабул қилишининг сўнги муддати — 2006 йил 20 февраль соат 15.00 гача. Маълумот учун хар кунни соат 9.00 дан 18.00 гача 134-11-21 телефон орқали мурожаат қилиш мумкин.

Тендер тақлифлари ва намуналарни қабул қилишининг сўнги муддати — 2006 йил 20 февраль соат 18.00 гача. Маълумот учун телефон: 134-75-01.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 359. 34270 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Обфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минахақлар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан сахифаланди.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зийд материаллар қабул қилинмайди.

Т-Тажорат материалли

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаххас — М. Ёқубова.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 12345